Биография

Мақсуда Содиқова



Мақсуда Содиқова 1925 йилда Тошкентда туғилди, 1942 йилда Киров районидаги 5-мактабни, 1948 йилда Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг кечки бўлимини тугатган. 1950—60 йилларда А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида дастлаб лаборант, кейинроқ кичик илмий ходим бўлиб ишлади; 1960 йилдан мазкур институтнинг ҳозирги замон ўзбек тили ва нутқ маданияти секторида ишлаб келмоқда. У 1963 йилда филология фанлари доктори С. Иброҳимов раҳбарлигида «Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар» мавзусида кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Олима Тил ва адабиёт институти коллективи тайёрлаган «Русча-ўзбекча луғат» (беш томлик), «Ўзбекча-русча луғат» (бир томлик), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1-том) каби китобларнинг ёзилишида муаллиф сифатида қатнашган.

У бадиий таржима билан ҳам шуғулланади (таржималари: «Мард йигит», «Етти қарға», «Холмагорлик бола», «Бўрон кампир», «Эртаклар» ва ҳ. к).

Асарлари:

1960 «Қора» сўзи ва унинг аҳамияти. «Тилшунослик масалалари», 1, тўплам, Тошкент.

1961 Ўзбек тилида ранг ва тус билдирувчи сўзлар. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 2, тўплам, Тошкент.

1962 Выражение значения степени в словах, обозначающих цвета и окраски. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 4, тўплам, Тошкент.
Ўзбек тилида от тусларини ифодаловчи баъзи сўз-терминлар. Юқоридаги тўплам, 5, Тошкент.
Аввал ўйла, кейин сўйла. «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали, 11-сон, Тошкент.

1965 Ранг номлари. «Гулхан» журнали, 6-сон, Тошкент.

1966 Сўздан сўзнинг фарқи бор. (Ҳамкор), Тошкент.
Сифат. «Ҳозирги ўзбек тили», I, Тошкент. Ёрдамчи сўзлар. Юқоридаги китоб.
Модал сўзлар. Юқоридаги китоб.
Феъл статистикаси

Copyright © 2022
All Rights Reserved.